2

Куч — адолатда

2015 йил
10 июль,
жума
№ 27 (540)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.



Бу ибора халқимиз орасида эзгу даъватга айланди. Одамлар ҳаётнинг маъносини тушуниб етмоқда, дунёқараши ўзгармоқда. Бугунги авлод билан саксонинчи йиллардаги одамлар ўртасида осмон билан ерча фарқ бор. Яқинда Швейцарияда Жаҳон иқтисодий форуми иқтисодиёти энг тез ривожланаётган мамлакатлар рейтингини эълон қилди. Ўзбекистон мазкур рейтингда 5-ўринни эгаллади. Халқимизнинг тинимсиз меҳнати, изчиллик билан олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли қўлга киритилаётган бундай улкан ютуқлардан ҳар биримиз фахрланиб, бошимизни баланд кўтариб яшашга ҳақлимиз.

ИНСОН БАХТ УЧУН ДУНЁГА КЕЛАДИ

Президентимиз Ислом Каримов яқинда Қашқадарё вилоятига сафари чоғида илғор фермерлар, ғаллакор ва пахтакорлар билан мулоқоти асносида ана шу фикрларни билдирди. Таъкидланганидек, мамлакатимиз саноат маҳсулотининг қарийб 11 фоизи, дон ва пахтанинг катта қисмини айнан шу вилоят етказиб бермоқда. Бинобарин, мустақилликнинг илк йилларидан юртимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани нақадар тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Фермерлар халқимиз ризқ-рўзини етиштириш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишга хизмат қиладиган қудратли кучга айланди.

Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Кечаги кунни унутмаслигимиз, уни бугунги кун билан солиштириб, хулоса чиқариб яшашимиз керак. Бу бизни огоҳликка, ҳаётнинг қадрига етишга, эртанги кун бундан ҳам фаровон бўлади, дея ишонч ва интилиш билан ҳаракат қилишга ундайди.

Азал-азалдан эл фаровонлиги, оилалар қут-баракаси буғдойнинг, нонинг сероблиги билан белгиланади. Дон мўллиги кўзнинг, кўнгилнинг тўқлигидир. Мисол учун 1991 йили юртимизда 940 минг тонна ғалла етиштирилган бўлиб, ҳар гектардан ўртача ҳосилдорлик 17 центнерни ташкил қилган. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон аталмиш катта оила учун жуда камлик қилгани боис хориждан дон олиб келинар эди.

Ана шундай танг пайтда Президентимиз Ислом Каримов ғалла мустақиллиги масаласини ўртага қўйди: "Токи ғалла мустақиллигига эришмас эканмиз, иқтисодий мустақиллик ҳақида гапириш ортиқча". Бу қатъият, шижоат ва машаққатли изланишларни тақозо этарди. Аввало, қишлоқ хўжалигида туб ислоҳотлар амалга оширилди. Ана шундай эътибор туфайли Ўзбекистон нафақат ғалла билан ўзини таъминловчи мамлакат, балки уни экспорт қиладиган давлатлар қаторига кирди.

Шу тариқа йилдан-йилга юксак хирмонлар бунёд этаётган ғаллакорларимизнинг меҳнати самарасидан элнинг қадди тикланиб, хонадонига қут-барака кирмоқда. Юртимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлиги муттасил ортиб бормоқда. Мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ва тараққиёт барқарор бўлиб, юртдошларимизнинг ёруғ келажакка ишончи тобора мустаҳкамланмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Qonun ijodkorligi

Аҳолини сифатли дори воситалари билан таъминлаш

бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилмоқда

Истиқлол йилларида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Аҳолини сифатли ва самарадор дори воситалари, тиббий буюмлар билан таъминлаш ушбу ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Айтиш керакки, мустақилликнинг ўтган даврида соғлиқни сақлаш соҳасида бир қатор муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонун қабул қилингунга қадар юртимизда фақат 2 тагина фармацевтика корхонаси фаолият кўрсатган. Улар томонидан атиги 30 га яқин номдаги дори воситалари ишлаб чиқарилган.

Мазкур қонун қабул қилингач, фармацевтика саноатининг ривожланишига асос солинди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 149 та фармацевтика корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан 1 минг 482 номдаги дори воситалари ишлаб чиқарилмоқда.

Шунингдек, ўтган даврда юртимизда дори воситалари сифатини назорат қилиш тизими яратилди. Ҳозир бу соҳада Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси, "Ўзстандарт" агентлиги томонидан аккредитациядан ўтказилган 8 та тиббий маҳсулотларни сертификатлаштириш органи, "Дори-дармон" акциядорлик компаниясига қарашли 15 та назорат-таҳлил лабораторияси ҳамда ҳар бир фармацевтика корхонасининг ички назорат-таҳлил лабораторияси фаолият юритмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Insonparvarlik tamoyillari

Яратувчилик институти

халқимизга хос инсонпарварлик ва бағрикенгликнинг амалдаги ёрқин ифодаси

Истиқлол йилларида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари билан йўғрилган миллий қонунчилигимиздан халқимизга хос бўлган инсонпарварлик, кечиримлилик, бағрикенглик, адашганга тўғри йўл кўрсатиш каби эзгу фазилатлар ҳам мустаҳкам ўрин эгаллади.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимизда фуқароларнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, бир сўз билан айтганда, барча ҳуқуқлари Конституциямиз ва амалдаги қонунчилигимиз асосида кафолатлаб қўйилган. Биргина меҳнат ҳуқуқи хусусида тўхталадиган бўлсак, Бош қомусимизнинг 37-моддасида белгилаб қўйилганидек, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Qonun ko`magi

Меҳнат низолари

судлар томонидан қонуний ҳал этилмоқда

Айтиш жоизки, фуқароларнинг меҳнат муносабатларига оид қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Меҳнат кодекси, Олий Суд Пленумининг "Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида"ги қарори ва бошқа қонун ҳужжатлари муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Шу ўринда маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича судлари томонидан жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида меҳнат низоларига оид 39 та даъво аризаси бўйича фуқаролик ишлари кўриб чиқилди ва шундан 14 та иш бўйича даъво талаблари қаноатлантирилди.

Маълумки, Меҳнат кодексининг 99-моддаси 1-қисмига кўра, ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам, икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақлидир.

(Давоми учинчи бетда)

Xabar

Судланганликка оид қонун нормаларини тўғри қўллашнинг аҳамияти

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг "Судланганлик ҳолатининг тугалланиши ёки судланганликнинг олиб ташланишига оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори лойиҳасини тайёрлаш юзасидан илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари, Олий суд ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари, Бош прокуратура, Ички ишлар, Адлия вазирликлари, Адвокатлар палатаси, жиноят ишлари бўйича судьялар ҳамда терговчилар иштирок этган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида суд ҳокимияти ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси сифатида жамиятда ижтимоий адолатни ўрнатадиган, қонун устуворлигини таъминлайдиган институтга айлангани таъкидланди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларни ҳимоя қилиш суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмунини ташкил этади. Жиноят қонунчилигидаги судланганлик институтига оид қонун нормаларини қўллаш бўйича ягона суд амалиётини таъминлаш ҳуқуқни қўллаш борасида муҳим аҳамиятга эга.

— Судланганлик шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолат бўлиб, жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган ҳисобланади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази бўлим бошлиғи Раҳимқул Тошбоев. — Ушбу ҳолат суд ҳукми қонуний кучга кирган вақтдан бошланиб, судланганлик муддати тугалланган ёки олиб ташланган вақтга қадар давом этади.

(Давоми учинчи бетда)

Интернет: нимаси фойдаю...

Аллома Абу Наср Форобий "Ҳар кимки илм-ҳикматни ўрганаман деса, уни ёшлигидан бошласин, хушахлоқ ва одобли бўлсин, ёмон ишлардан сақлансин, хиёнат ва макр-ҳийладан узоқ бўлсин", дейди.

Бу келажак авлод вакилларининг руҳ ва тана саломатлиги, оппоқ хаёлот дунёси, бокира орзуларига зиён етмаслиги лозимлигини англатади. Шундагина унинг келажаги порлоқ, истиқболи юксак бўлади.

Глобаллашув даврида интернет тармоғи ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳасига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ёшлар янги технологияларга тезда мослашиб бормоқда. Бугун "ўргимчак тўри" орқали зарур маълумотларни олиш, дўстлар билан мулоқот қилиш, энг сўнгги янгиликлардан хабардор бўлиш, харидни амалга ошириш каби кўплаб жараёнларни бажаришимиз мумкин. Аммо бир яхшининг бир ёмони бўлганидек, интернетнинг ҳам зарарли хусусиятлари бисёр. Бу, айниқса, навниҳол ўсмирлар учун хавфлидир.

Мутахассисларнинг фикрича, интернет олами борган сари хавфли ҳудудга айланиб бормоқда. Унинг даражаси сичқонча тугмасини атиги икки марта босиш орқали ҳаёсизликни тарғиб қилувчи сайтларга кириш, ножўя таъсирларга қарам бўлиш, турли ўйинларда бевосита иштирок этиш, маблағларни сарфлашда намоён бўлаётир.

(Давоми тўртинчи бетда)

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

Яқинда танишимнинг тўрт хонали квартирасини ҳовлимизга алмаштиришга қарор қилдик. Айтингчи, амалдаги қонунларда уйни алмаштиришга рухсат берилганми? Агар мумкин бўлса, бунда фарзандларнинг ҳам розилиги талаб этиладими?

С.ҲАМИДОВА,
Сурхондарё вилояти,
Денов тумани



— Албатта, ҳовлингизни квартирага алмаштиришингиз мумкин. Уй-жой кодексининг 26-моддасига биноан мулкида уйи, квартираси бўлган фуқаролар ўзлари эгаллаб турган турар жойни бошқа турар жой мулкдори ёки уй-жой қуриш ёхуд уй-жой кооперативининг аъзоси билан, шу жумладан, бошқа аҳоли пунктида яшаётганлар билан алмаштиришга ҳақлидирлар.

Турар жойни алмаштириш — барча вояга етган оила аъзоларининг, шу жумладан, вақтинча бўлмаган оила аъзоларининг ёзма розилигига биноан амалга оширилади. Бунда оиланинг вояга етмаган аъзолари розилиги ота-оналар томонидан, улар бўлмаган тақдирда эса, васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан тасдиқланади.

Шунингдек, мулкида уйи, квартираси бўлган юридик шахслар уни бошқа турар жой мулкдори ёки уй-жой қуриш ёхуд уй-жой кооперативи аъзоси билан алмаштиришга ҳақлидирлар.

Солиқларни ўз вақтида тўламаган тақдирда, солиқ инспекцияси ходимлари ундирувни мол-мулкка қаратиши мумкинми?

Рихсиой ШАРИПОВА,
Тошкент вилояти,
Паркент тумани



— Маълумки, Солиқ кодексининг 65-моддасига мувофиқ ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш давлат солиқ хизмати органининг даъво аризаси асосида суд тартибида амалга оширилади.

Ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги даъво аризаси солиқ тўловчи солиқ ҳисобига қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари томонидан имзоланади. Даъво аризасига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

солиқ қарзи борлиги тўғрисида солиқ тўловчининг мавжуд шахсий карточкаларидан кўчирма;

солиқ тўловчининг банк ҳисобварақларида пул маблағлари йўқлиги тўғрисидаги банк маълумотномаси;

солиқ текшируви натижалари бўйича (бундай текширув ўтказилган тақдирда) солиқ қарзи тўғрисидаги маълумотнома;

солиқ тўловчининг охирги ҳисобот даврига доир бухгалтерия балансининг кўчирма нусхаси, бундан молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддати ҳали келмаган, янги ташкил этилган юридик шахслар мустасно.

Ундирувни суд ҳужжатлари асосида солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд ижрочилари томонидан амалга оширилади.

Айтингчи, шахсни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга гувоҳ тариқасида чақиришганда, унинг ойлик иш ҳақи сақланадими?

Ш.АВАЗОВ,
Тошкент вилояти,
Бекобод шаҳри

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 75-моддаси талабига кўра, жабрланувчи ёки унинг вакили, гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон ёки холис сифатида чақирилган шахснинг иш жойидаги ўртача ойлик маоши унинг суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ҳузурига чақирилиши муносабати билан кетган ҳамма вақт учун сақланади.

Ишламайдиган шахсларга улар кундалик машғулотлари билан шуғуллана олмаганликлари учун ҳақ тўланади.

Шахсий машинамни шартнома асосида гаровга қўйган эдим. Аммо ҳозир, зарурат туфайли, машинамни сотмоқчиман. Айтинг-чи, гаровга қўйилган мулкни бошқаси билан алмаштириш мумкинми?

В.ҚУРБОНОВ,
Тошкент вилояти,
Зангиота тумани

— Ҳа, гаровга қўйилган мулкни алмаштириш мумкин. Жумладан, амалдаги **"Гаров тўғрисида"**ги қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, гаров нарсасини алмаштиришга, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, гаровга олувчининг розилиги билан йўл қўйилади.

Агар гаров нарсаси нобуд бўлган ёки шикастланган ёхуд унга бўлган мулк ҳуқуқи ё хўжалик юритиш ҳуқуқи қонунда белгиланган асосларга кўра, бекор қилинган бўлса, гаровга қўювчи оқилона муддатда (низо чиққан тақдирда эса, суд белгилаган муддатда) гаров нарсасини тиклашга ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, уни тенг қийматли бошқа мол-мулк билан алмаштиришга ҳақли.

Саволларга Олий суд катта консультанти Акбар Жабборов жавоб берди.

Iftixor

Инсон бахт учун дунёга келади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ҳозирги замонда дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга теран назар солсак, бу борадаги рақам ва кўрсаткичларнинг аҳамияти янада яққолроқ намоён бўлади. Айрим мамлакатларда озиқ-овқат, хусусан, ғаллачилик соҳасида жиддий муаммолар юзага келиб, нон тақчиллиги кузатилмоқда. Шукрки, халқимиз ўз донига, ўз беминнат нонига эга бўлган кунларга етиб келди. Бугун юрт кезсангиз, бепоён далаларда олтиндек товланаётган буғдойзорлар кўзингизни қувонтиради.

Шундай экан, истиқлолгача бўлган давр ва мустақилликнинг дастлабки йилларида бу борада ҳукм сурган мураккаб ҳолатни бугунги кундаги мўл ғалла хирмонининг чўғи билан қиёслаш ҳар томонлама мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Жумладан, ўтган йили мамлакатимиз деҳқонлари 8 миллион тоннадан зиёд ғалла етиштирган бўлса, шу кунларда ғаллазорларимизда етиштирилган бой ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш бўйича қизғин иш бормоқда.

Деҳқончилик учун қулай келган йилнинг ўзи йўқ. Бу йилги мавсумда ҳам ғаллакорларимиз турли табиат синовларини енгиб ўтишига тўғри келди. Омилкор фермерларимиз ўз вақтида зарур чоралар кўргани, замонавий агротехнологиялардан самарали фойдаланганги натижасида мўл ҳосил етиштирилди. Бинобарин, қишлоқ хўжалигида бозор муносабатлари жорий этилгани, ерга ишлов бериш ривожлангани, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилгани, деҳқонларнинг дунёқараши, меҳнатга муносабати ўзгаргани туфайли ғалла етиштириш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Ерга, меҳнатга муносабат тубдан ўзгаргани, ер билан ишлаш ва деҳқончилик маданияти юксалгани обод далаларда, мўл-кўл ҳосилларда намоён бўлмоқда. Мамлакатимизда ҳар йили 8 миллион тоннадан зиёд ғалла етиштирилмоқда. Бундай улкан хирмонни бунёд этишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бу, аввалгамбор, халқимизнинг тинимсиз меҳнати, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар, мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталик, халқимизнинг бирдамлиги самарасидир.

Истиқлол йилларида ғаллачилик соҳасида эришилган ютуқларда, шунингдек, ғалла навларининг янгиланганги, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш борасида олиб борилган илмий изланишлар ҳам муҳим ўрин тутади. Яратилаётган истиқболли навлар, фермерларнинг фидокорона меҳнати, ғалла етиштиришдан манфаатдорлик ортиши, моддий-техник базанинг мустаҳкамланиши ҳамда бу ишларнинг давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланаётгани соҳани жадал ривожлантириш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ғаллачилик бошқармасининг маълумотига кўра, янги навларни экишда ҳар бир вилоятнинг ўзига хос тупроқ-иқлим шароити ҳисобга олиниб, суғориладиган ерларда бошоқли дон етиштириш агротехникасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, олимларимиз яратган "Чиллаки", "Дурдона", "Андижон-2", "Андижон-4", "Бобур", "Аср" ва "Туркистон" каби ўндан зиёд маҳаллий нав ҳосилдорликни оширишда муҳим омил бўлаётир.

Буларнинг барчаси юртимизда нон тўкинлиги, халқимиз дастурхонида бу азиз неъмат мўл бўлишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Эндиликда фермерлар ўзини ернинг, мулкнинг ҳақиқий эгаси, деб ҳис қилади. Қанча кўп меҳнат қилса, мўл ҳосил етиштирса, бундан аввало ўзи манфаат кўришини яхши билади. Бу уларни янада ғайрат ва масъулият билан ишлашга, ҳосилдорликни изчил оширишга ундамоқда. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари қайд этганидек, фақат ғалла ва пахта билан юксак фаровонликка эришиб бўлмайди. Фермерларга янада кенг эркинлик бериш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини изчил ривожлантириш зарур.

Бу ҳақда сўз борганда, юртимизда ғаллачилик билан бирга бутун қишлоқ хўжалиги тармоғини барқарор ва изчил ривожлантириш борасидаги ишларни янги, юксак босқичга кўтариш бўйича ҳаётнинг ўзи олдимизга янги-янги вазифалар қўяётганига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Шулар қаторида аграр соҳа самарадорлигини янада ошириш, бугунги фермерлар бошлаб берган ижобий ишларни муносиб давом эттира оладиган янги фермерлар авлодини, фермер хўжаликларини замонавий асосда бошқаришга қодир бўлган фермер-менежерларни шакллантириш каби долзарб масалалар доимий эътибор марказида туриши даркор.

Мухтасар айтганда, бошқа соҳалар қатори бу соҳадаги ютуқларимиз изчил кўпайиб, иқтисодимиз бақувват бўлиб боргани сари халқимизнинг ҳаёт шароитларини янада ошириш, замонамизга муносиб бир-биридан гўзал ва муҳташам иншоотлар бунёд этиш, жонажон Ўзбекистонимизни ҳеч кимдан кам бўлмаган даражага етказиш имкониятлари ҳам кенгайиб бораверади.

Зотан, лафзи ҳалол бободеҳқонлар бунёд этаётган юксак ғалла хирмони, Президентимиз таъбири билан айтганда, **бу — аввало тинч ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз, эзгу орзу-интилишларимизнинг мустаҳкам пойдеворидир.**

Бобомурод РАЙИМОВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Insonparvarlik tamoyillari

Ярашув институти

халқимизга хос инсонпарварлик ва бағрикенгликнинг амалдаги ёрқин ифодаси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Чунончи, жиноий жазолар тизимининг либераллаштирилгани, билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолганларни амнистия актига асосан жавобгарликдан ёхуд жиноий жазодан озод қилиш, ярашув институтининг жорий этилгани ҳам фикримизнинг амалий тасдиғидир. Агар 2001 йилда жиноят қонунининг 26 та моддасидаги ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилмишларга нисбатан ярашув институти татбиқ этилган бўлса, эндиликда Жиноят кодексининг 44 та моддасида назарда тутилган жиноятларга нисбатан ярашув қўлланилади.

Ҳаётий тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, ярашув институти жабрланувчи ва айбдор ўртасида келиб чиққан низони жиноий таъқиб чораларини қўлламасдан, тинч йўл билан ҳал қилиш имконини берибгина қолмай, улар ўртасида дўстона муносабатларни қарор топтириш, жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарнинг тез ва тўлиқ қопланишига ҳамда судланганлик ҳолатининг камайишига хизмат қилмоқда.

Айтиш жоизки, Жиноят процессуал кодексининг 62-бобида ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра, ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки терговнинг, шунингдек, суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд маслаҳатхонага киргунига қадар берилиши керак. Хусусан, қонунда етказилган зарарнинг бартараф этилганлиги, шунингдек, ярашганлиги муносабати билан жиноят иши бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисидаги илтимоснинг мавжудлиги ва ярашув битими бўйича жиноий жавобгарликдан озод қилинганидан сўнг бу жиноят бўйича қайтадан жиноий иш юритиш мумкин эмаслиги алоҳида белгилаб қўйилган.

Эътиборли жиҳати шундаки, ярашув институти нафақат айбдорнинг, айни чоғда жабрланувчиларнинг ҳам ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлмоқда.

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратсак, А.Жонибеков (исм-шарифлар ўзгартирилган) 2015 йил 5 май куни Қўнғирот тумани "Елабад" шаҳарчасидаги 7-уйнинг 109-хонадонида истиқомат қилувчи Х.Маметовнинг "Урал-2013" русумли велосипедини ўмарганча, воқеа жойидан яширинади. Бироқ унинг қинғир иши орадан кўп ўтмай ошкор бўлади. Судда А.Жонибеков ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилган ишидан қаттиқ пушаймонлигини, жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарларни қоплаганини ва жабрланувчи билан ярашганлигини таъкидлади. Бинобарин, жабрланувчи ҳам айбдор узр сўраган ҳолда етказилган зарарни тўлиқ қоплаганини, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, ўзаро ярашиб олишганини маълум қилди ва ярашганликлари муносабати билан ишни юритувдан тугатишни сўради. Суд ушбу жиноят ишини атрофлича кўриб чиқиб, тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноий ишни юритувдан тугатиш лозим, деган тўхтамга келди.

Шунингдек, Қўнғирот туманида яшайдиган Д.Холмирзаев 2015 йил 19 апрель куни А.Дониёров билан ўзаро жанжаллашиб қолади. Оқибатда уни уриб, қасддан соғлиги бузилишига сабаб бўлган енгил шикаст етказади. Судда Д.Холмирзаев ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчига етказган моддий ва маънавий зарарларни қоплаганини ҳамда у билан ярашганлигини маълум қилди. Суд жабрланувчи ва айбдорнинг илтимосномасини инобатга олган ҳолда тарафлар ярашганлиги муносабати билан жиноий ишни юритувдан тугатиш ҳақида қарор қабул қилди.

Албатта, бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Энг муҳими, ярашув институти айбдорга ўз хатосининг салбий оқибатини тўлиқ англаб етиш ва қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиш, жабрланувчининг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш, бир сўз билан айтганда, тарафларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалда самарали ҳимоя қилишга хизмат қилаётгани билан алоҳида эътиборга молик.

Д.РАЗОВ,
жиноят ишлари бўйича
Қўнғирот тумани судининг раиси
вазифасини бажарувчи

Fuqarolik qonunchiligi

Маънавий

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар Конституциямиз ва умумэътироф этилган халқаро нормаларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш самарадорлигини янада оширишга қаратилган. Бунинг самараси ўлароқ, ўтган даврда бу борада салмоқли натижаларга эришилди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоялаш кафолатлари янада мустаҳкамланди.

Маълумки, фуқаролик суд ишларини юритиш қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, демократия, ижтимоий адолат, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлаш билан бирга, бузилган ҳуқуқларни тиклаш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарларни ундиришда ҳам ғоятда муҳим ўрин тутади.

Шу маънода амалдаги Фуқаролик кодексининг 985-моддасида зарар етказганлик учун жавобгарликнинг умумий асослари белгилаб қўйилганини қайд этиш жоиз. Мазкур моддага мувофиқ, ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек, юридик шахсга етказилган зарар, жумладан, бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Айтиш керакки, маънавий зарарни қоплаш имконияти унинг муддати билан бевосита боғликдир.

Шу маънода Фуқаролик кодексининг 12-бобида даъво муддати билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинишини қайд этиш жоиз. Яъни ушбу кодекснинг 149-моддасида даъво муддати тушунчаси берилган бўлиб, унга кўра, даъво муддати - шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво қўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўлган муддатдир. Умумий даъво муддати мазкур кодекснинг 150-моддасига асосан, уч йил қилиб белгиланган.

Шунингдек, Фуқаролик кодексида даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар ҳам белгиланган. Яъни шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматларни ҳимоя қилиш ҳақидаги талабларга нисбатан даъво муддати қўлланилмайди.

Айтиш керакки, маънавий зарар фуқаронинг шахсий номулкий ҳуқуқлари ва бошқа номоддий бойликлари бузилиши натижасида етказилади. Демак, маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги талабларга даъво муддати жорий қилинмайди. Бу ҳолат "Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги Олий суд Пленуми қарорининг 15-бандида янада мустаҳкамланган: "Маънавий зарарни қоплаш номоддий бойликларни ва номулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг бирдан-бир манбаи ҳисобланади. Шунга кўра, Фуқаролик кодексига мувофиқ, маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талабларга даъво муддати жорий қилинмайди".

Шу ўринда мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, фуқаролик ишида мавжуд жиноят ишлари бўйича суднинг 2014 йил 16 сентябрдаги ҳукмига асосан судланувчи С.Абдуллаев 2014 йил 17 июль куни соат 14-00 ларда "Тико" русумли автомашинасини Навоий шаҳрида бошқариб бораётиб, амалдаги "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг 3.5-банди, 2,1-банди, 15.1-банди ва 3.4-бандида назарда тутилган талабларни кўпол равишда бузади. Бунинг оқибатида у А.Нодировни автомашинаси билан уриб юборади ва йўл транспорт ҳодисаси содир қилади. Натижада А.Нодиров ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жарохати олади.

Qonun ijodkorligi

Аҳолини сифатли дори воситалари билан таъминлаш

бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бундан ташқари Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидаги илмий-тадқиқот институтлари, тиббиёт ва фармацевтика олий ўқув юртлари таркибида дори воситаларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот базалари ташкил этилди. Рўйхатдан ўтказилган ва тиббиётда қўллашга рухсат этилган дори воситалари ва тиббий буюмлар бўйича Давлат реестри нашр этилмоқда. Бугунги кунда дори воситалари ва тиббий буюмлар Давлат реестрига 7 минг 228 номдаги дори воситалари, 853 номдаги тиббий буюмлар ва 1 минг 55 номдаги тиббий техника киритилган бўлиб, уларни юртимиз тиббий амалиётида қўллашга рухсат берилган.

Айни вақтда амалдаги қонунни бугунги кун талабидан келиб чиқиб, янада такомиллаштириш зарурати туғилмоқда.

Шу маънода "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси тайёрланиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Ушбу қонун лойиҳаси жорий йилнинг 21 май куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди. Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида барча партияларнинг парламентдаги фракцияларидан, Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи ва қўмиталардан, шунингдек, соҳа мутахассисларидан бир қатор таклиф ҳамда фикр-мулоҳазалар олинди. Ишчи гуруҳи томонидан бу таклиф ва фикр-мулоҳазалар атрофлича ўрганиб чиқилди.

Айтиш керакки, ушбу қонун лойиҳасининг амалдаги қонундан фарқли жиҳатлари қуйидагиларда ўз ифодасини топган. Яъни амалдаги қонуннинг 2-моддасида берилган асосий тушунчалар 19 тадан 15 тага қисқартирилди, 7 та янги модда қўшилди, шунингдек, қонуннинг барча моддаларига тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритиш назарда тутилмоқда.

Маълумки, дорихонанинг аҳолини дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашдаги муҳим аҳамияти ушбу қонуннинг асосий элементи экани ҳисобга олинган ҳолда қонун лойиҳаси "Дорихона" номли алоҳида модда билан тўлдирилмоқда.

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 76-моддасига мувофиқ, дорихонанинг ташкилий тузилмаси "ташкилот" тушунчасига мувофиқдир. Мазкур кодекснинг 4-бобига кўра, "ташкилот" тушунчаси "муассаса" тушунчасини ҳам ўз ичига олиб, муассаса деганда, даволаш-профилактика муассасаларининг бюджет ҳисобидан фаолият кўрсатувчи дорихоналари тушунилади. Бу ҳолат, ўз навбатида, хусусий тадбиркорлик фаолиятини юритишда муайян тўсиқни юзага келтириши мумкин. Аниқроқ айтганда, хусусий тадбиркорлик субъекти давлат тизимига кирувчи муассаса ҳисобланмайди ва у давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилмайди. Шуни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасида "муассаса" тушунчаси "ташкилот" тушунчаси билан алмаштирилмоқда.

Шунингдек, амалдаги қонунда дорихона тушунчасидаги "сотиш" сўзи Солиқ кодексининг 22-моддасига мувофиқ, "реализация" сўзи билан алмаштирилди. Бинобарин, реализация деганда, дори воситаларини сотиш ҳамда бепул бериш тушунилади. Бунда дорихоналар орқали айрим имтиёзли беморларга махсус рецептлар орқали дори воситалари бепул ҳам берилиши ҳам назарда тутилди.

Қонун лойиҳасида озиқ-овқатларга қўшиладиган биологик фаол моддалар, санитария-гигиена предметлари, шифобахш озиқ-овқатлар, маъданли сувлар ва даволаш-косметика маҳсулотларининг савдоси билан бугунги кунда кўпгина бошқа савдо тармоқлари, яъни тадбиркорлар ҳам шуғулланаётгани инобатга олиниб, аҳоли саломатлигига ижобий таъсир кўрсатувчи юқорида қайд этилган маҳсулотлар дорихоналар орқали ҳам реализация қилиниши белгилаб қўйилмоқда.

Бундан ташқари амалдаги қонунда дорихоналарни фақатгина олий маълумотли фармацевт бошқаришига рухсат берилади, дея қайд этилган. Қонун лойиҳасида бугунги кундаги амалиётдан келиб чиқиб, дорихона филиалларини олий ёки ўрта махсус фармацевт маълумотига эга шахслар ҳам бошқариши мумкинлиги тўғрисидаги норма белгилаб қўйилмоқда.

Шуни қайд этиш керакки, қонун лойиҳасидан ушбу норманинг ўрин олиши дорихона филиалларини бошқариши мумкин бўлган шахслар таркибини аниқлашда, шунингдек, тиббиёт коллежларини фармацевтика йўналиши бўйича битираётган ёшларни иш билан таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Шунингдек, қонун лойиҳасига "фармакологик ёки дори воситаларини ишлаб чиқиш" деган норма киритилгани, ўз навбатида, ушбу соҳадаги тадқиқотларни тартибга солиш ва уларнинг сифатини ошириш имконини беради. Фармакологик ёки дори воситаларини ишлаб чиқариш, дори воситаларини яратиш ёки ишлаб чиқариш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш қонунчиликда белгиланган тартибда лицензияга эга бўлган ташкилотлар томонидан амалга оширилиши алоҳида нормада белгилаб қўйилмоқда. Бу каби қўшимчалар қонунчилигимизни халқаро талаблар билан мувофиқлаштиришда муҳим ўрин тутади.

Айтиш керакки, амалдаги қонуннинг 10-моддаси "Фармакологик воситаларни клиник синовлардан ўтказиш" деб аталган. Мазкур модда ва унда келтирилган нормалар фақат фармакологик воситаларнинг клиник синовларини тартибга солишга қаратилган. Маълумки, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан илк марта ишлаб чиқаришга татбиқ этилган, технологияси ўзлаштирилган дори воситалари ҳам клиник синов объектлари ҳисобланади. Чунки дори воситаларини ишлаб чиқариш шароитлари, технологияси бирбиридан фарқ қилиши, ўз навбатида, дори воситалари хусусиятларининг бир хил намоён бўлмаслигига олиб келади.

Бундан ташқари, хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган дори воситалари Ўзбекистон фармацевтика бозорида етарлича маълум эмаслиги учун мазкур дори воситаларини ҳам клиник тадқиқотлардан ўтказишни тақазо этади. Шу муносабат билан амалдаги қонуннинг 10-моддаси "Фармакологик ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотлари" деб номланди ва у дори воситаси клиник тадқиқотларини ҳам ўз ичига олувчи нормалар билан тўлдирилмоқда.

Клиник тадқиқотларни эса, белгиланган қатъий тартиб асосида амалга ошириш белгилаб қўйилмоқда. Бундан кўзланган мақсад — тиббиёт ходимлари ва тадқиқот субъектларининг ҳуқуқи, хавфсизлиги ва дахлсизлигини кафолатли ҳимоя қилишдан иборатдир.

Мухтасар айтганда, аҳолини сифатли ва самарадор дори воситалари билан таъминлаш давр талаби. Юқорида биз фикр юритган қонун лойиҳасининг қабул қилиниши бу соҳада муҳим ва замонавий ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Мавлуда ХОДЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари

Qonun ko`magi

Меҳнат низолари

судлар томонидан қонуний ҳал этилмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Огоҳлантириш муддати тугаганидан сўнг ходим ишни тўхтатишга ҳақли. Иш берувчи эса, ходимга меҳнат дафтарчасини бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт. Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномаси огоҳлантириш муддати тугамасдан олдин ҳам бекор қилиниши мумкин. Юқорида қайд этилган моддани биринчи қисмида назарда тутилган ёки тарафлар келишуви бўйича белгиланган огоҳлантириш муддати давомида ходим берган аризасини қайтариб олишга ҳақлидир. Агар огоҳлантириш муддати тугаганидан кейин ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинмаган ва меҳнат муносабатлари давом этаётган бўлса, ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ариза ўз кучини йўқотади ва бунда меҳнат шартномасини шу аризага мувофиқ бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратадиган бўлсак, даъвогар К.Асанов жавобгар "Жайҳун" ишлаб чиқариш корхонасига нисбатан ишга тиклаш ва мажбурий прогул вақти учун иш ҳақи ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қаноатлантирилди. К.Асанов аввалги иш ўрнига қайта тикланиб, унинг фойдасига мажбурий прогул вақти учун иш ҳақи ундирилди.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, даъвогар К.Асанов "Жайҳун" ишлаб чиқариш корхонасида муҳандис лавозимида фаолият юритиб келган. У 2015 йил 5 январь куни бошқа корхонага ишга такдим этилганини, ушбу корхонада 2015 йилнинг 12 январидан иш бошлаши лозимлигини қайд этиб, 10 январдан эътиборан ишдан бўшатишни сўраб, корхона раҳбарига ариза билан мурожаат қилган.

Бироқ корхона раҳбари К. Асановни ўзига бириктирилган моддий қимматликларни топширишига улгурмаслигини инобатга олиб, у билан тузилган меҳнат шартномасини икки ҳафтадан сўнг, яъни 2015 йил 19 январь куни бекор қилишини маълум қилган.

Суд К.Асановнинг корхона раҳбарига ишдан бўшатишни умумий асосларда эмас, балки бошқа ишга таклиф этилганлиги сабабли аниқ бир санадан, яъни 12 январдан бошлаб сўраганини, унинг янги корхонада иш бошлаши лозим бўлган муддат ўтиб кетганини, шу сабабли уни ишдан бўшатишга зарурат йўқлигини, К.Асановнинг ишдан бўшатиш ҳақидаги аризаси Меҳнат кодекси 99-моддасининг 4-қисмига мувофиқ 12 январдан ўз кучини йўқотганини эътиборга олиб, даъво аризасини қаноатлантириш лозим, деган хулосага келди.

Хулоса қилиб айтганда, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг ўз вақтида кўриб чиқилиши ҳамда қонун доирасида ҳал этилиши ходимлар, меҳнат жамоалари ва иш берувчиларнинг меҳнат ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишига, бузилган ҳуқуқи ва қонуний манфаатларининг тикланишига хизмат қилиши билан алоҳида эътиборга молик.

Азамат БАЙМУРАТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг раиси

Xabar

Судланганликка оид қонун нормаларини тўғри қўллашнинг аҳамияти

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мазкур ҳолатнинг мавжудлиги янги жиноят содир этилганда ҳуқуқий аҳамият касб этиб, қилмишни квалификация қилишда, шахсга нисбатан жазо тайинлашда жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилишида, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинланганда колония турини белгилашда, амнистия актини татбиқ қилишда, муайян ҳолларда ўта хавфли рецидивист деб топишда, жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш каби масалаларни ҳал қилишда ўз таъсирини кўрсатади. Шу сабабли, судланганлик ҳолатининг тугалланиши ёки олиб ташланишига оид қонун нормаларини тўғри қўллаш суд ва тергов органлари учун муҳим аҳамиятга эга.

Анжуманда дастлабки тергов органлари ва судлар томонидан судланганлик ҳолатининг тугалланиши ёки судланганликнинг олиб ташланишига оид қонунчилик меъёрлари ва уларни қўллаш жараёнидаги масалалар, юзага келаётган муаммоларга эътибор қаратилди. Жумладан, ушбу масалада ягона суд амалиётини шакллантириш ва қонунчиликнинг турлича талқин этилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар кенг муҳокама қилинди.

Тадбирда билдирилган фикр-мулоҳазалар Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг тегишли қарори лойиҳасини ишлаб чиқишда инобатга олиниши билдирилди.

Беҳзод БОЗОРОВ,
ЎзА мухбири

Jinoyat va jazo

Ҳалоллик – қут-барака манбаи

қинғирлик эса, кишини юзшувут қилади

Истиқлолнинг илк давридан буён мамлакатимизда тадбиркорлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Тадбиркорлик фаолиятига миллий иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришнинг муҳим шарти сифатида қаралмоқда.

Бу ҳақда сўз борганда, авваламбор, юртимизда соҳага оид мустаҳкам қонунчилик базаси шакллантирилгани ва изчиллик билан такомиллаштириб борилаётганини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, сўнгги йилларда "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида" (янги таҳрирда), "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида" сингари бир қатор қонунлар қабул қилингани ҳам фикримизни яққол тасдиқлайди.

Айниқса, Президентимизнинг шу йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳадаги ижобий ўзгаришларни янги, юксак босқичга кўтаришга қаратилган навбатдаги муҳим дастурий ҳужжат вазифасини ўтамоқда.

Мазкур фармон, ҳеч шубҳасиз, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун янада қулай шароит ва имкониятлар яратиш, бизнес муҳитини янада яхшилаш, юртимиз иқтисодиётига маҳаллий ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, янги иш ўринлари яратиш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлида яна бир залворли одим бўлди.

(Давоми тўртинчи бетда)

зарар

уни қоплашга оид меъёрлар қонунларимизда аниқ белгилаб қўйилган

Айтиш керакки, суд томонидан С.Абдуллаев Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилди ва унга нисбатан ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ҳамда Жиноят кодексининг 45-моддасига кўра, 2 йил 6 ой муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинланади. Шунингдек, жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилади.

Шунга кўра, даъвогар А.Нодиров судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгарнинг йўл транспорт ҳодисаси содир этиши натижасида бир қўлидан айрилганини инобатга олиб, моддий ва маънавий зарарни ундириб беришни сўраган.

Айтиш керакки, амалдаги Фуқаролик кодексининг тегишли моддаларига кўра, етказилган моддий зарарнинг миқдори тегишли равишда ҳужжатлар асосида тасдиқланиши лозим. Маънавий зарар эса, пул билан қопланиши, маънавий зарарни қоплаш миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий зарарларнинг хусусиятига, шунингдек, айб товон тўлашга асос бўлган ҳолларда зарар етказувчининг айби даражасига қараб суд томонидан аниқланиши, зарарни қоплаш миқдорини белгилашда адолат талаблари эътиборга олиниши лозим.

Суд жабрланувчи А.Нодировнинг етказилган маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талабини муҳокама қилиб, айнан жавобгарнинг жиноий хатти-ҳаракати оқибатида даъвогар ҳаёти учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати олганлигини эътироф этди. Шундан келиб чиқиб, суд даъвонинг маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талабини қисман қаноатлантиришни лозим деб топди ва даъвогар фойдасига жиноят оқибатида етказилган маънавий зарар учун 12 миллион сўм ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар ўрнини қоплаш бузилган ҳуқуқ ва манфаатларни тиклабгина қолмай, жамиятда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир.

Б.ЖУМАЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судининг судьяси

Интернет: нимаси фойдаю...

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бугун ёшларни, айниқса, мактаб, лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини интернетдан ҳимоя қилиш масаласи кўпчилик ота-оналарни хавотирга солмоқда. Аммо улар бу жараёнда фарзандларига қандай муносабатда бўлишмоқда? Уларнинг кучли назорати қай даражада ўзини оқламоқда?

Мутахассислар ёшларни интернетдан ҳимоялашнинг яхши усули кучли таълим-тарбия асосида ёш авлоднинг соҳага оид саводхонлигини ошириш, мафкуравий иммунитетни шакллантириш эканлигини таъкидламоқда. Назоратнинг кучлилиги ва тақиқлар эса гоҳида фарзандларимизнинг бунга янада чуқурроқ шўнғишига олиб келмоқда.

...Сув ҳавзасида чўмилишни ёқтирадиган фарзандига ота унинг чуқурлиги, оқими, хавфли жиҳатлари ҳақида айтиб, эҳтиёт чораларини кўриш лозимлигини таъкидлашни унутмайди. Фарзандининг "Ҳавза нега чуқур? Нега оқим тез? Нима қилсам, ҳаётим хавфда қолмайди?" каби саволларига эринмасдан жавоб беради. Тушунтиради ва натижага эришади.

"Ўргимчак тўри"нинг ҳам болалар ҳаётига кўрсатадиган таъсири, фойдаю зарарли томонларини шу каби қиёслар орқали бола онгига етказиш муҳимдир. Чуқур ҳавзани чегаралаш мумкин, буни бола яхши англайди. Шу боис интернетнинг нечоғли чуқур ва даҳшатли оқим эканини уларга тушунтириш яхши самара беради.

Воиз ал-Кошифийнинг "Имкон борича болага яхши таълим-тарбия беришга интилиш лозим, токи у ижобий хусусиятларни ўзлаштирсин ва ярамас ҳаракатлардан ўзини муҳофаза қилсин", деган ибратли сўзлари ана шу жиҳатларни англатади.

Маълумотларга кўра, болаларнинг 38 фоизи зўравонлик руҳидаги сайтларни, 26 фоизи миллатчилик характеридаги сайтларни мунтазам кузатиб боради. Кўплаб сайтларда ахлоқсизлик, зўравонлик, миллатлараро ва диний ихтилофларни, наркотик воситалар ва спиртли маҳсулотларни истеъмол қилиш тарғиб этилмоқда.

— Бундан бир неча йил олдин бўлган бир воқеа ҳаммамизга сабоқ бўлган эди, — дейди Юнусобод туманидаги Янги ҳаёт маҳалласи оқсоқоли Ваҳобжон Эргашев. — Айни ёз вақти, болалар таътилда. Маҳалламиздаги ўн бир ёшли бола кун бўйи уйда қаровсиз қолгани боис, аввал уйдаги компьютерда оддий ўйинлар ўйнаб, сўнгра интернет орқали ёшига мос бўлмаган турли сайтларга кириб, онги заҳарланади. Кўчакўйда тенгдошларига таҳдид қилиб, уларга тиғли анжомларни кўрсатиб қўрқитади. Буни эшитганимиздан сўнг ота-онаси ва фарзандига тушунтириш ишларини олиб бордик ва болани бу йўлдан қайтаришга эришдик. Аммо бу хавф-хатарнинг бутунлай олди олинди дегани эмас.

Шу ўринда халқимизнинг "Доно одам дардига малҳам қидиргандан кўра, касалликни ўзига йўлатмайди", деган ҳикматини эслаш ўринлидир.

Айни вақтда болалар учун ҳордиқ чиқариш, жангари фильмлар кўриш, тажовузкор ўйинлар ўйналадиган компьютер хоналари, интернет клублари фаолиятини тартибга солиш борасида тизимли чора-тадбирлар кўрилмоқда. 2010 йилда "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги ва "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонунлар бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим омил бўлаётир.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилган кундузги оромгоҳлар ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни турли фан, бадиий ижодиёт, спорт-соғломлаштириш каби тўгаракларга жалб этишга кўмаклашмоқда. Ижодий фестиваллар, кўргазмалар, ижтимоий акциялар, спорт мусобақалари уларнинг салоҳияти ва интилишларини рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлаётир.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда "Ёзни "Камолот" билан" лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилмоқда. Лойиҳа доирасида маҳаллалар, таълим масканлари, оромгоҳларда "Бахтли болалик", "Тилларни ўрганамиз", "Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш", "Огоҳлик дарслари" каби тарғибот тадбирлари, "Одам савдоси — давр муаммоси", "Ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш", "Тинчлик, осойишталик учун курашмоқ керак", "Жиноят ва жазо" мавзуларида семинарлар, "Фарзандлик бурчим" лойиҳаси, маданий-маърифий тадбирлар ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг ён-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан тасаввурини шакллантиришга хизмат қилмоқда. "Ёш техниклар", "Ёш рассомлар", "Ўй бекаси" каби тўгараклар ўқувчи-ёшларнинг билимларини бойитишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Бу каби тарғибот-тушунтириш ишлари жараёнида ёшларда интернетнинг фойда ва зарарли хусусиятлари, турли иллатларнинг инсон омилига салбий таъсири, китобхонликнинг аҳамияти, миллий қадриятларнинг бардавомлиги каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди "Истиқболли авлод" ёшлар ахборот-маърифат маркази мутахассиси Шоҳида Қосимова. — Бу уларда ахборот маконидан тўғри фойдаланиш маданиятини шакллантириб, ҳаётда ўз муносиб ўрнига эга бўлиш, воқеаларни одилона баҳолай олиш, истиқлолимизнинг қадрига етиш каби тушунчаларни мустаҳкамлайди.

Бу каби саъй-ҳаракатлар соғлом фикрли, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш, улар онгига вафосадоқат, ҳаё, меҳр-оқибат, никоҳ, оила, андиша, ота-онага ҳурмат каби тушунчаларни сингдириш, навқирон авлодни мафкуравий хуружлардан асраш, уларга тўғри йўл кўрсатишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, ҳар қандай инсоннинг энг мўътабар орзуси, астойдил интилган асосий мақсади — соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, ҳар томонлама комил инсонни вояга етказишдан иборатдир.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
ЎзА мухбири

Jinoyat va jazo

Ҳалоллик – қут-барака манбаи

қинғирлик эса, кишини юзшувут қилади

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Шунингдек, мамлакатимизда соҳа вакиллари учун йил сайин солиқ юки енгиллаштирилмоқда, ортиқча қоғозбозликларга барҳам берилиб, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш муддатлари кескин қисқарди.

Албатта, юртимизда тадбиркорларга кўрсатилаётган юксак эътибор, соҳа вакиллари эркин фаолият юритиши учун барча шарт-шароитларнинг муҳайё этилаётгани, ўз навбатида, тадбиркорлик субъектлари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Жумладан, қонун талабига қатъий риоя этиб фаолият юритиш, зиммадаги бурч ва мажбуриятларни ўз вақтида адо этиш, ҳалоллик ва фидойилик тадбиркорлар учун асосий мезон саналади.

Бугунги кунда юртимизда яратилган имконият ва шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиб, ҳам оиласи, ҳам мамлакатимиз фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётган тадбиркорлар жуда кўп топилади.

Бироқ шу билан бирга, ҳаётда нафс қутқусида ноқонуний қилмишларга қўл урадиган кимсалар ҳам учраб туради. Масалан, М.Ўринов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш, ҳужжатларни йўқотиш, фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш, солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, мансаб сохтакорлиги жиноятларини содир этиб, муқаддам уч марта қонуний жазога тортилган. Аммо у булардан ўзига тегишли хулоса чиқариш ўрнига яна қинғир ишга қўл урди.

Илгари жиноят ишлари бўйича Пайариқ тумани суди уни бир йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 19 миллион 505 минг 200 сўм миқдорида жарима жазоси тайинлаган эди. Кейинги гал жиноят ишлари бўйича Оқдарё тумани суди М.Ўриновни икки йил олти ой муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 26 миллион сўм жарима жазоси тайинлади.

Қилмишлари учун кетма-кет қонуний жазо олганидан тегишли хулоса чиқармаган М.Ўринов барибир ўз билганидан қолмади. У 2012 йилнинг 14 май куни "Qo`shrabot quruvchi omad fayz" хусусий корхонасини ташкил этиб, унга таниши Ж.Норқуловни номига директор лавозимига тайинлайди. Аслида ўзи ва таниши А.Кенжаев билан хусусий корхона фаолиятини бошқариб боради.

Айтиш керакки, "Кристал Самарқанд" масъулияти чекланган жамияти билан 2012 йил 21 майда тузилган шартнома талабига кўра, "Qo`shrabot quruvchi omad fayz" хусусий корхонаси ёрдамчи пудратчи сифатида 101 миллион 500 минг сўмлик қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Ўша йилнинг июнь ва июль ойлари давомида "Кристал Самарқанд" масъулияти чекланган жамияти томонидан ушбу хусусий корхонага шартномада қайд этилган 101 миллион 500 минг сўм пул маблағи тўлиқ ўтказиб берилади.

М.Ўринов бу маблағ эвазига бор-йўғи 75 миллион сўмлик қурилиш ишларини бажарган, холос. У 26 миллион 500 минг сўмни ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборади. Энг ёмони, у бу жиноий қилмишини яшириш мақсадида ҳужжатларга маблағни Навоий вилоятининг Нурота туманидаги лицей-интернат қурилишига сарфлаганлиги тўғрисида сохта маълумот ва ёзувлар киритади.

Бундан ташқари ушбу хусусий корхонанинг автохизмат фаолияти билан шуғулланишга махсус лицензияси мавжуд бўлмаса-да, 2012 йил 14 майдан 2013 йил 17 январга қадар 5 миллион сўмлик автотранспорт хизмати кўрсатилган.

Шахсий манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйган М.Ўринов ўзининг жиноий хатти-ҳаракатларини давом эттириб, текин бойлик орттириш мақсадида, 2012 йил 14 августида "Diyor universal servis" хусусий корхонасини ташкил қилади. Шунингдек, у эски ҳамтовоғи А.Кенжаевни ушбу хусусий корхонага директор лавозимига тайинлайди. Аслида у яна бир жиноий шериги Ж.Норқулов билан хусусий корхона фаолиятини бошқариб боради.

Айтиш керакки, "Diyor universal servis" хусусий корхонаси ҳисоб рақамидан турли хўжалик фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларнинг ҳисоб рақамларига товар-моддий бойликларни харид қилиш учун 2012 йилнинг 14 августидан 2013 йилнинг 12 февралига қадар жами 2 миллиард 861 миллион 609 минг сўм пул маблағлари ўтказиб берилади. Бироқ ушбу ташкилотлардан олинган товар-моддий бойликлар хусусий корхона ҳисобига тегишли тартибда кирим қилинмайди.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 августда қабул қилинган "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори 8-бандида товарларни нақд пулга улгуржи сотишга йўл қўймаслик, назорат-касса машиналари мавжуд бўлиши, савдодан тушган нақд пул маблағлари ўз вақтида инкасса қилиниши, агар бу қоидалар бузилган тақдирда, айбдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилган. Лекин "Diyor universal servis" хусусий корхонасидаги нафс бандалари томонидан мазкур қарор талаблари қўпол равишда бузилган.

Эгри йўлни бойлик орттириш воситаси деб билган М.Ўриновнинг қилмишлари фақат шулардан иборат эмас. "Diyor universal servis" хусусий корхонаси икки ойдан зиёд вақт мобайнида ноқонуний фаолият юритгач, М.Ўринов "Javlon qurilish fayz" хусусий корхонасини давлат рўйхатидан ўтказади. Бу хусусий корхонага ҳамтовоғи Ж.Норқуловни бош ҳисобчи лавозимига расмийлаштиради. Унинг ўзи эса, аввалгидек жиноий шериги А.Кенжаев билан хусусий корхонада хуфёна ишларни амалга оширади.

Айтиш керакки, бу хусусий корхона билан "Ремстрой хизмат" кўп тармоқли корхонаси ўртасида 2012 йил 29 ноябрда тузилган шартномага кўра, "Javlon qurilish fayz" хусусий корхонаси ёрдамчи пудратчи сифатида 250 миллион сўмлик қурилиш ишларини амалга ошириши лозим эди. Бунинг учун "Ремстрой хизмат" кўп тармоқли корхонаси томонидан хусусий корхонага 205 миллион сўм ўтказиб берилади.

Буни қарангки, ўзгалар мулкини талон-торож қилишга ўрганиб қолган М.Ўринов бошқарган хусусий корхона бор-йўғи 163 миллион 300 минг сўмлик қурилиш ишларини бажарган. Қолган 41 миллион 700 минг сўм маблағни ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб, ўзганинг жуда кўп миқдордаги маблағини ўзлаштириш йўли билан такроран талон-торож қилган.

Халқимиз бўйнида иллати борнинг оёғи қалтирайди, деб бежизга айтмаган. М.Ўринов ўзининг жиноий шериклари Ж.Норқулов ва А.Кенжаев билан бирга ўзлари содир этган жиноятларнинг изини ёпишга уринишади. Ҳамтовоқлар ғараз ниятда юқорида номи келтирилган учта хусусий корхонанинг қатъий ҳисобда турувчи ҳужжатлари — бирламчи бухгалтерия регистрлари, бош китоблар, касса китоблари, иш ҳақини ҳисоблаш китоблари, тўлов варақалари, товар-моддий бойликлар ҳисоботлари, ҳисоб-фактуралар, иш ва хизматлар бажарилганлиги тўғрисидаги кирим ҳужжатларини қасддан йўқотишади.

Бироқ ҳамтовоқлар ўзларининг қонунга хилоф қилмишларини яширишга нечоғлик уринишмасин, барибир, ҳақиқат юзага чиқди. Суд томонидан уларга қилмишларига яраша қонуний жазо тайинланди.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда тадбиркорлар учун яратилган имтиёз ва имкониятлардан унумли фойдаланиш ўрнига қинғир йўллар билан мулкий наф кўришга уриниш, эртами-кечми қонуний жавобгарликка сабаб бўлади. Ўз навбатида, қонун доирасида фаолият юритадиган тадбиркорлар ўз ойлисининг турмуш фаровонлигини таъминлабгина қолмай, юртимиз равнақига муносиб улуш қўшади. Зотан, қонуний фаолият қут-барака ва обрў-эътибор келтирувчи асосий мезондир.

Рустам АБДУЛЛАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти судининг раиси

Garoyib olam

Ҳайвонот дунёсининг ўзига хос сир-синоати ҳамиша одамлар эътиборини ўзига жалб этиб келган. Чунончи, жонзотларнинг ўзига хос фикрлаш тарзи ҳақидаги баҳс-мунозаралар кўпчиликка қизиқарли туюлса керак. Қуйида шу ҳақида ҳикоя қиламиз.

Биз билган ва билмаган дунё

ҒАРОЙИБ ҚОБИЛИЯТЛИ ЖОНЗОТЛАР

Яқинда Колумбия университети тадқиқотчилари шимпанзенинг санашни билишини исботлашди. Тажриба жараёнида саноққа ўргатилаётган шимпанзе сўралган таёқчани адашмай топиб берди. Синовни мураккаблаштириш учун мутахассислар қутига атай тўртта таёқча солиб, бешта таёқча беришини сўрашди. Шунда у бағоят топқирлигини намоён этди: қутидаги таёқчаларнинг барчасини қўлига олиб, биттасини синдирди ва ҳеч иккиланмай бешта таёқчани эгасига узатди.

Буни қарангки, ҳайвонлар устида тажриба ўтказган олимлар тўтиқушлар ҳам санашни билишини аниқлашди. Мисол учун Аризона университети олими Ирэн Паппербергнинг тўтиси саккизгача адашмай санай олади. У аралаштириб терилган кўк ва қизил кубиклардан айнан нечтаси кўк эканини бир зумда айта олган. Шунингдек, у тўрт сони учдан катта миқдор эканини ҳам аниқ билади.

Бразилиялик Реми Шовен исмли болакай ҳаккаларни санашга ўргатган энг ёш тадқиқотчи мутахассис ҳисобланади. Маълум бўлишича, ҳаккалар бошқа жониворларга нисбатан бир мунча мураккаб масалаларни ҳам ечишга қодир экан. Тажриба учун ўргатилган бу қушнинг олдига турли рангга бўялган бир нечта қути қўйилганида, уддабурон ҳакка ҳар гал қора қутидан иккита, яшилидан учта, оқидан тўртта дон олиб, ҳаммани ҳайратга солган.

Янада ҳайратланарлиси, Берлин университети зоологлари асаларларнинг санаш қобилиятини аниқлашга муваффақ бўлишди. Тажриба жараёнида асаларилар қатнайдиган йўлга тўртта бир хил ранг ва шаклдаги қути қўйиб қўйишди. Учинчи ва тўртинчи қутилар ўртасига эса, улар хуш кўрадиган ширинлик жойлаштиришди. Ақлли қўшқанотлар қутилар устидан учиб ўтаётиб, учинчи ва тўртинчи қути оралиғида андак ширинлик борлигини осонгина пайқашди.

Дарвоқе, ҳайвонларнинг нафақат санаш, балки куйлаш, рақсга тушиш, гапириш ва кулиш иқтидори ҳам бор экан. Масалан, Ғарбий Германиянинг Гросс-Рекин шаҳрида истиқомат қиладиган В. Боденшацникининг уйида Рааби лақабли ажойиб қарға яшайди. Унинг фарқли жиҳати шуки, у соҳиби билан бемалол сўзлаша олади. Раабининг дабдурустдан салмоқлаб "Салом", "Об-ҳаво яна айнаяпти", "Раабининг қорни очди", "Деразани очиб қўйинг" дея гапиришига нима дейсиз?! Айниқса, сўнгги пайтларда Рааби тумшуғини очмасдан гапиришни ўрганиб олгани кўпчиликни ажаблантирмоқда. Ҳатто, орнитологлар ҳам бунинг сирини ҳанузгача аниқлаша олмаяпти.

Энг қизиғи, тиниб-тинчимас орнитолог Рей Барнак тўтиқушлардан кўзи ожизлар учун йўлбошловчи тайёрлаш мақсадида махсус мактаб очди. Бу мутахассис шу кунгача тўтиқушларга "Тўхта", "Ўнгга бурил", "Эҳтиёт бўл" каби йўлда ҳаракатланиш учун ўта зарур жумлаларни ўргатишга муваффақ бўлган. Унинг фикрича, тўтилар светофорнинг қизил, яшил, сариқ чироқларини йўлбошловчи итларга нисбатан анча яхши фарқлайди. Янада афзаллиги, тўтиқушлар болалар, мушуклар ва бошқа жониворларга асло эътибор бермайди. Демак, чалғитмайдиям, чалғимайдиям. Айниқса, уларнинг итларга қараганда кўпроқ умр кўриши узоқ вақт хизмат қилишидан далолатдир. Бу эса, йўлбошловчи ёрдамига муҳтож ногиронлар учун жуда муҳим мезон саналади.

Шу пайтгача мутахассислар фақат тўти, майна ва қарғаларгина гапириш қобилиятига эга деб ҳисоблашар эди. Яқинда бу рўйхатни яна давом эттириш мумкинлиги ойдинлашди. Мисол учун янгизеландиялик фермер Стефаннинг Крэки лақабли ўрдаги соҳибининг товушида гапиришни жуда яхши уддалайди.

Йоханнесбурглик Петер Маклиннинг Отти лақабли тўтиси эса, оз эмас, кўп эмас, юзга яқин сўзни аниқ-тиниқ билади. У бу сўзларни одамлар овозига ўхшатиб, мунгли, маҳзун ва кўтаринки руҳда ҳеч қийналмай талаффуз қилади. Ҳатто ҳазил-мутойибани ҳам яхши ҳис қила олади.

Интернет материаллари асосида Мўътабар Хушвақтова тайёрлади.

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шоюнус ГАЗИЕВ
Светлана АРТИКОВА
Кўчқор ТОҒАЕВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (8 371) 239-02-55, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@oliysud.uz
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-722. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 6786.
1 2 3 4 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 21³⁰